

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

200 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 2013 йил 29 январдаги ПҚ–1913-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарорининг 3-банди:

а) қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«худудий ва тармоқ саноат ярмаркаларини ҳамда уларнинг доирасида — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ярмаркаларини ўтказишни ташкиллаштириш»;

б) учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

200-модда

— 26 —

15 (567)-сон

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 8 апрель,
ПҚ-1949-сон